


СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон тумани 33- сонли умумтаълим мактабида сектор раҳбарлари ёшлар вакиллари билан учрашди.

Ёшлар ишлари Агентлигининг Қумқўрғон туман бўлими томонидан ташкил этилган учрашувда туман прокурори Ш.Акрамов, туман ИИБ бошлиғи Н.Нарзуллаев, туман ДСИ бошлиғи З.Турсуновлар ёшларнинг муаммо ва таклифларини тинглади.

Мазкур учрашувда 30 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 18 таси ўз жойида ҳал этилди. 15 нафар боқувчисини йўқотган талабаларнинг олий ўқув юртига тахсил олишлари учун бир йиллик шартнома пулининг 50 фоизини тўлаб берилиши белгиланди.

Оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш истагида бўлган 3 нафар ёшларга субсидия асосида инкубатор аппарати берилди. Қолган мурожаатлар эса тегишли масъулларга йўналтирилди.